

Turkiston

1925-yildan chiqa
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati
Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 17-avgust, shanba
№ 62 (15700)

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Замонавий, кўркам ва қуладай

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Тошкент вилоятида кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти. Намунавий лойихалар асосида, замонавий меъморчилик талабларига тўла мос келадиган уйлар барпо этилмоқда.

Биргина Бекобод туманининг ўзида намунавий лойихалар асосида етмишта уйни қуриб фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Айни кунларда бешта курувчи пудратчи томонидан бунёдкорлик ишлари қизғин олиб бориляпти. «Сайёра-орзу», «Бекобод кўрғони», «Бекободишинвест», «Металлтранс+», «Зафарқурилишинвест» корхоналарининг ҳар бирига ўнтадан уй қурилиши топширилган бўлиб, ишлар ҳамкорлик асосида йўлга кўйилган.

— Шу кунларда ишимиз қизғин, — дейди «Сайёра-орзу» МЧЖ раҳбари Курбон Шарипов. — Бу йилнинг ўзида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган етмишта уйнинг бир қанчаси мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида, қолганлари эса йил охиригача қуриб битказилади. Максадимиз уй-жойлар қурилишини тез ва сифатли амалга оширишдан иборатdir.

Айни пайтда тумандаги Тақачи ва Акбарали Мирзаев қишлоқлари худудида қурилиш ишлари авжиди. «Қишлоққурилишинвест» лойихаси асосида бунёд этилаётган уйлар учун ҳар бир пудратчи ташкилотга 1 миллиард 300 миллион сўм атрофида маблағ ажратиласпти. Ушбу маблағлардан ўз ўрнида, максадли фойдаланиш, ишни бир маромда ташкил этиш қатъий белгиланган.

Айни дамда Тақачи қишлоғининг ўзида, Сирдарёнинг ўнг соҳилида ўнта оиласа мўлжалланган уч хонали уйлар қурилиши жадал олиб бориляпти. Иш икки сменада ташкил этилган. Қурувчилар учун барча шароитлар мухайё. 270 дан зиёд ишчи-хизматчилик кўли кўлига тегмайди. Фишт терувчилар, сувоқчилар, монтажчилар, пайвандчилар, пардозчилар — барчасининг фикри-ёди ўз ишида.

Пудратчи ташкилотларнинг уй-жойлар қурилишидаги ҳамкорлиги, ҳамжиҳатлиги кўл келмоқда. Худудларда олиб борилаётган қурилиш ишларида «Сайёра-орзу» корхонаси ўзининг транспорт воситалари билан иштирок этаётган бўлса, «Металлтранс+» корхонаси транспорт механизмлари, қурилишибоп плиталар, темир-бетон маҳсулотларини етказиб бермоқда. Бу борада «Бекободишинвест» корхонаси фишт терувчилари ҳамда «Зафарқурилишинвест» корхонаси монтажчилари ва пайвандчилари файрат кўрсатяпти. Ҳар ким ўзига топширилган вазифани сидқидилдан бажарса, ҳамма иш жойида бўлади-да.

(Давоми 3-бетда)



Ватан равнақи йўлида бирлашамиз!

Бугунги етакчи қандай бўлиши керак? Ундан қандай қобилият, билим ва қўнималарга эга бўлиш талаб этилади? Ахир, бугун ҳар биримизнинг доимо изланишда бўлишимизни замоннинг ўзи тақозо этмоқда. Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган «Камолот» ёшлар оромгоҳида бўлиб ўтган бошлангич ташкилотлар етакчиларининг республика форуми етакчилар фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишига қаратилди. Унда янги даврнинг янги масалаларини ҳал этиш бўйича таклифлар режаси ҳам ишлаб чиқиди.

«Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шиори остида ўтган ушбу форум «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгashi ва Халқ таълими вазирлиги ўтасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг умумий ўрта таълим мактабларида бошлангич ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» кўшма қарор имзоланган эди. Мазкур кўшма қарорга асосан, мактаблардаги бошлангич ташкилотларнинг янги Низоми ва ташкилий тузилмаси тасдиқланди. Унга мувофиқ, Ҳаракатнинг мактаблардаги бошлангич ташкилотлари фаолияти сама-

катнинг негизи бўлган бошлангич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, 2012 йил «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгashi ва Халқ таълими вазирлиги ўтасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг умумий ўрта таълим мактабларида бошлангич ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» кўшма қарор имзоланган эди. Мазкур кўшма қарорга асосан, мактаблардаги бошлангич ташкилотларнинг янги Низоми ва ташкилий тузилмаси тасдиқланди. Унга мувофиқ, Ҳаракатнинг мактаблардаги бошлангич ташкилотлари фаолияти сама-



радорлигини ҳамда етакчи ва сардорларнинг таълим муассасаларидағи мавқеини янада ошириш, намунали етакчи ва БТларни рағбатлантиришга қаратилган аниқ механизм яратилди. Ушбу форум эса ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга хизмат қилди. Форумга Ҳаракатнинг 9665 та бошлангич ташкилоти етакчилари орасидан 140 нафари саралаб олингани ҳам БТлар фаолиятига жиддий эътибор қаратилаётганидан далолатdir. Уларнинг худудларда ўтказилган ўкув-семинарлар ва «Энг намунали бошлангич ташкилот» танловида қатнашиб, шу ергача етиб келганларининг ўзи катта ютуқ.

(Давоми
4-, 5-бетларда)

Ўзбек кураши жаҳон кезмокъда



Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат

Мустақиллик йилларида миллий қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш, ривожлантириш ва бутун дунёга кенг намойиш этишга алоҳида эътибор қаратилаёттир. Бу жиҳатлар халқимиз маънавиятининг ноёб дурдонаси — ор-номус, гурур, ватанпарварлик, бағрикенглик, матонат ва садоқат рамзи бўлган ўзбек кураши давраларининг тобора кенгайиб бораётганида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Миллий курашимиз тарихини илмий исботлаб берадиган бир қанча ашёвий далиллар мавжуд. Чунончи, Зарафшон воҳасидан топилган курашаётган икки пахлавоннинг деворий расми Суддиёна давлатчилигига оид ноёб ёдгорлик саналади. Сурхондарёниг бир қатор қадимги аҳоли мансизгоҳларида аниқланган ноёб топилмалар, осори-атикалар, қоятошларга битилган тасвирий санъат намуналарида акс этган курашга оид манбалар уч минг йиллик тарихга эга.

Муқаддас заминимизда туғилиб ўсган, номлари афсонаю достонларга айланниб кетган ўнлаб баҳодирлар кураш орқали ўзбек заминининг донгини бутун оламга тарагтан. Бугун аждодларимиз руҳини шод этиб, ўзбек курашининг жаҳон майдонида мустаҳкам ўрин эгаллаётгани том маънода кўхна йўлнинг янгиланиши, бобомерос қадриятларнинг бугунги авлодлар билагида шакланишидир.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида кўп асрлик тарихга эга миллий курашимиз бўйича чемпионатлар ўтказиладиган бўлди. Кураш халол спорт тури сифатида тан олинди. Миллий ва азалий қадриятларимизни ўзида мұжассам этган миллий спортивизм қисқа вақтда дунёга юз тутди.

Кураш мустақилликнинг илк йилларидан янгича ривожланиши боскичига ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Шаҳрисабзда Амир Темур, Термиз шаҳрида Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишилаб халқаро турнирлар ташкил этилди, улар анъянавий тус олди. Осиё, Европа ва Американинг 28 давлати вакиллари иштироқида 1998 йил 6 сентябрь куни ўтказилган Таъсис конгрессида Кураш халқаро ассоциацияси (ICA) асос солинди, кураш қоидаларига халқаро мақом берилди. Бу ўзбек курашининг халқаро спорт тури сифатида расман эътибор этилиши эди.

Бугун «кураш», «таъзим», «тўхта», «ёнбош», «чала», «дакки», «халол» каби ўзбекча сўзларнинг турли миллат вакилларидан иборат ҳакамлар, мухлислар тилида янграши ҳалқимиз қалбига олам олам қувонч олиб кирмоқда. «Ўзбекнинг кураши» деган ибора дунё спортчilarinинг орасида

ҳалоллик ва инсонпарварлик, бағрикенглик ва тантилик хислатларини намоён этишда муҳим ва самарали воситага айланмоқда.

— Кураш Ўзбекистоннинг кўп минг йиллик тарихга эга миллий қадриятларидан бирни ҳисобланади, — дейди халқаро Олимпия қўмитаси аъзоси, енгил атлетика бўйича уч карра Олимпиада чемпиони, польшалик спортчи Ирена Шевинска. — Бугунги кунда курашга бўлган қизиқиш бутун дунёда ортиб бормоқда. Айни пайтда кураш хотин-қизларнинг севимли спорт турнирлардан бирига айланниб бормоқда. Бу Ўзбекистонни дунёга танитишда катта аҳамият касб этади. Кураш тез орада халқаро Олимпия ўйинларига киритилишига ишонаман.

Давлатимиз раҳбарининг 1999 йил 1 февралдаги «Халқаро «Кураш» ассоциациясини кўллаб-куватлаш тўғрисида»ги фармони курашимиз ривожини янги боскичга кўтарди. 1999 йилда Тошкентда бўлиб ўтган кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатида Европа, Осиё, Африка, Шимолий ва Жанубий Америка китъаларининг 48 мамлакати вакиллари иштиrok этди. Эндиликда ўзбек кураши жаҳоннинг юздан зиёд мамлакатида халқаро спорт тури сифатида жадал оммалашмоқда. Жаҳоннинг 5 китъаси ва 121 мамлакатида Кураш федерациялари фаoliyat кўrsatmoқda. 1999 йилдан бўён кураш бўйича жаҳон ва китъа чемпионатлари ўтказиб келинмоқда.

2000 йилдан бўён Англия, Греция, Франция давлатларида ҳар йили анъянавий «Ислом Каримов» халқаро турнири ташкил қилиниб, унда дунёning кўплаб давлатларидан энг сара полвонлар иштиrok этмоқда.

2000 йилдан бўён Англия, Греция, Франция давлатларида ҳар йили анъянавий «Ислом Каримов» халқаро турнири ташкил қилиниб, унда дунёning кўплаб давлатларидан энг сара полвонлар иштиrok этмоқда.

Абу Бакир ЎРОЗОВ,
ЎЗА шархловчиси

МАЪРИФАТ — МУСТАҲКАМ ҚЎРҒОН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Республика миллий ғоя ва мағкура илмий-амалий маркази, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси, Тошкент давлат педагогика университети ҳамкорлигида пойтактимиздаги Ўзбекистон миллий матбуот марказида «Баркамол авлод тарбияси ва уларни диний-экстремистик гурухларнинг зарари таъсиридан ҳимоялаш масалалари» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

Бугун дунёда юз берётган ҳодисаларни куатиб, тинчлик, хотиржамлик нақадар буюк неъмат эканига тақрор-тақрор икрор бўляпмиз. Мана шу тутувлик, осудалик туфайли халқимиз ҳаёти фаронон, маҳаллаларимиз обод. Бироқ ён-атрофимизда тўкин-сочин, осойишта кунларимизга ҳасад назари билан қарайдиган, мудаффаиятларимизни кўролмайдиган кучлар борлиги барчамизни огоҳликка ундейди. Матбуот анжуманида турли диний оқимлар, «оммавий маданият», ёшлар онгини заҳарлашга қаратилган бузғунчи гоялар таҳдиди ва бундай хуружларнинг олдини олиш хусусида сўз юритилди.

Иллаларга қарши курашнинг самаралийули ёшларимиз шуурига миллий ғоя ва мағкурамизни сингдириш, мустаҳкам маънавий иммунитетни шакллантиришдир, — деди Республика миллий ғоя ва мағкура илмий-амалий маркази раҳбари Муҳаммаджон Куронов. — Миллий ғоямиз ниҳоятда халқчил, тушунарли. Унда факат ва факат тинчлик, эзгулик, ватанпарварлик туйгулари мужассам, ўзгаларнинг ҳақ-хукуқига даҳл етказишдан мутлақо холи. Шу маънода миллий ғоя ўғил-қизларимизнинг турли оммавий таҳдидларни енгib ўтишида мустаҳкам таянч бўлиши шубҳасиз. Яна ёшларнинг бўш вақти бўлмаслиги керак. Уларни эътиборсиз қолдирсан, мағкуравий иммунитетни сусайтирсан, нияти бузук кишиларга ёрдам берган бўламиз.

Тадбирда сўзга чиққанлар бугун диний экстремистик оқимлар ўз ғоя ва қараашларини тарқатишида турли йўллардан, айниқса, интернет тармоғидан кенг фойдаланаётгани, хорижга ўқиш ёки ишлаш учун бораётган ёшларни ҳар хил усуслар билан алдаб, ўз сафларига жалб этишга уринаётгани, бундай ноxу什 ҳолатларнинг олдини олишида таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ёшлар тафаккурини инсоний фазилатлар, эзгу гоялар билан бойитиш ҳақида ҳам асосли мулоҳаза ва таклифлар билдиришди.

Хайриddин МУРОД,
«Turkiston» мухбири

«Kamolot» loyihalari

ШЕЪР, ҚУШИКЛАРДА ЮРТ ТАРАННУМИ

Бекобод шаҳридаги «Металлурглар» маданият саройида мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишиланган ижодий учрашув бўлиб ўтди. Тадбир «Ўзметкомбинат» ОАЖдаги «Камолот» ЙИХ бошланғич ташкилоти ва касаба уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Учрашувга элиминиз сўйган шоирлар, театр актёrlари ва хонандалар таклиф қилинди. Ижодкорлар корхонанинг ёш ишчи-ходимлари билан мулокот қилиб, бугунги кунда мамлакатимизда олиб бориллаётган бунёдкорлик ишлари, истиқтол йилларида турли соҳаларда эришилган ютуқлар тўғрисида фикр алмашдилар.

Шундан сўнг ёшлар Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзонинг Ватан, оила, мұхаббат мавзуларидаги шеърларидан баҳраманд бўлишидди. Тадбирда қатнашган Муқими номидаги мусиқали драма театри актисалари — Одина Фозиева ва Гулчехра Носирова ўз ижодлари ҳақида сўзлаб беришди.

Учрашув якунида ёш эстрада хонандалари — Шаҳноза Отабоева ва Шуҳрат Дарё ижросидаги қўшиклар ийғилганларни янада хушнуд этди.

Бекзод ҚОДИРОВ

Замонавий, кўркам ва қулай

(Давоми, боши 1-бетда)

— Курилиш маҳсулотлари нинг кўпі ўзимизда ишлаб чи-карилади, — дейди «Зафаркурилишинвест» корхонаси раҳбари Ином Мадиёров. — Фишт ва темир-бетон плиталар, қум ва шағал шу ернинг ўзидан оли-нади. «Сайёра-орзу» корхонаси қошида эшик тайёрлаш цехи йўлга қўйилган. Ашёлар ўзимиздан чикқани, аввало, юртдошларимиз учун яхши. Негаки, қурилиш ишларига маблағ камроқ сарфланади.

Курилиш маҳсулотлари ўз вақтида етказиб берилаётгани туфайли уйларнинг том қисмидаги ишлар ниҳоясига етказилиб, айни чоғда пол қоқиш, эшик ва деразаларни ўрнатиш, пардозлаш, иссиқлик тизими ҳамда газ тармоқларини улаш ишлари олиб бориляпти.

Эндиликда қишлоқ ўйларидаги яшаш шароити ҳам шаҳарнидан кам бўлмайди. Намонавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган замонавий уйлар худди узукка кўз қўйгандек, юртимиз хуснига хусн кўшиб, улар жойлашган худудлар янада обод манзилларга айланмоқда.

Мустақиллик ҳам ижтимоий,

ҳам маънавий соҳаларда юртимизда янги даврни бошлаб берди. Президентимиз Ислом Каримов ташабbusi билан ўтказилган «Замонавий ўй-жой курилиши — қишлоқ жойларини комплекслар ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳәётининг сифатини яхшилаш омили» мавзудаги ҳалқаро конференция дунё ахлиниң дикқат-эътиборини ўзига тортди. Конференция иштирокчиларининг Тошкент вилоятидаги Паркент ва Пискент туманларида замонавий ўй-жойларни кўриб ҳайратга тушгани ҳам бежиз эмас.

Худди шу йўналишдаги ишлар айни кунларда Бўка туманинадаги Барот Умаров номидаги фермерлар уюшмаси худудида ҳам олиб борилмоқда. Ун учта оиласа мўлжалланган учхонали уйлар қурилиши шу кунларда қизғин паллага кирган. «Қишлоққурилишинвест» лойиҳаси асосида 1 миллиард 622 миллион 926 минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилмоқда. Ушбу бунёдкорлик ишларини «Ривсатсервис» шўъба корхонаси бош пурратчи сифатида ўз зиммасига олган.

Қурилишга юз нафардан ортиқ ишчилар жалб этилган



бўлиб, ишлар икки сменада олиб бориляпти. «Қишлоққурилишинвест» ҳамда «Қишлоққурилишинжиниринг» компанияси томонидан зарур қурилиш маҳсулотлари ажратилиб, ўз вақтида етказилмоқда. Қурилиш ишларини янада жадаллаштириш мақсадида туман ҳокимлиги ташабbusi билан ташкилот ва муассасалар ходимларидан иборат ҳашарчилар ҳам жалб этилган. Бунёдкорлик ишларини ободонлаштириш бошқармаси, мактаб ва коллежлар, тибиёт муассасалари, оқсоқоллар кенгаши ҳамда маҳалла посbonларининг хиссаси катта бўлмоқда.

Курувчилар ва ёрдамчи ҳашарчилар биргалиқда, қўлни

кўлга бериб жонбозлик кўрса-тишяпти. Дониёр Султонов, Фарҳод Камолов, Жуман Усмонов, Шавкат Исаев сингари тажрибали мутахассислар кўрсатмасига таяниб иш олиб бораётган гишт терувчилар, сувоқчи ва бетончилар, пайвандчию дурадгорлар меҳнати унумли бўлмоқда. Абдуқосим Иногомов, Холмурод Муродов, Улугбек Шарипов сингари илғор гишт терувчи, сувоқчи ва дурадгорлар файрати таҳсинга сазовор.

Туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Рустам Ахмедов етакчилигига бир гурӯх ҳашарчилар ҳам курувчиларга яқиндан кўмак бераяпти. Курувчилар икки

маҳал иссиқ овқат билан таъминланган. Ётоқона, ювиниш хоналари, тиббий шохобча зарур жиҳозларга эга. Аҳмад Қаршиев, Иброҳим Абдураҳмонов каби ошпазлар нафақат бир-бираидан лаззатли таомлари билан, балки хуш查-чақ гурунглари билан ҳам курувчилар дилига хузур бағишиламоқда.

Қўли гул бунёдкорлар қалбидаги ўзгача шикоат, кўтаринки кайфият. Ҳадемай мустақиллик байрами тантаналари ҳам бошланади. Бу эса, шубҳасиз, оиласалар қувончига, уй тўйларига уланиб кетади.

Ашурали БОЙМУРОД,
«Turkiston» мухбири

Harakatning hududiy kengashlarida

«Камолот» ЁИХ Урганч шаҳар кенгashi ва Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалидаги Ҳаракатнинг бошлангич ташкилоти ҳамкорлигига ёшлар ўртасида стол тениси бўйича мусобақа ташкил қилинди.

САЛОМАТЛИК САБОҚЛАРИ

Унда Урганч шаҳридаги «Гулзор» маҳалласида истиқомат қулиувчи ўн беш ёшгача бўлган болалар қатнашди.

Мусобақа якунида ТТА Урганч филиали етакчилари соғлом турмуш тарзи мавзууда тарғибот олиб бориши. Ёшларга ОИВ/ОИТС касаллигининг юқиши йўллари ва профилактикаси, мобиль телефондан фойдаланиш қоидалари, интернет ўйинларининг салбий таъсири, газли ичимликлар келтириб чиқарувчи касалликлар ҳақида тушунтирилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиши.

Зуҳроб МАТМУРОДОВ,
«Камолот» ЁИХ Тошкент тиббиёт академияси
Урганч филиалидаги бошлангич ташкилоти етакчиси

МИШ-МИШ РОСТГА АЙЛАНДИ

Бундан бир неча кун аввал сариосиёлик болалар орасида шундай гап тарқалди:
— Эшитдиларингми, туманимизда футбол мусобақаси бўлар экан. Қатнашмаймизми?

Аввалига бу гапни миш-мишга йўйишиди. Ўспиринларнинг ҳаяжони бўлса керак, дейишиди. Аммо «Камолот»чиларнинг жон койитиб ишлашлари ота-оналарнинг фикрини ўзгартирди.

Чиндан ҳам бу шунчаки миш-миш эмасди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани кенгashi «Ёзни «Камалак» билан» лойиҳаси доирасида болаларнинг таътилини мазмунли ўтказишлари учун қатор қизи-

қарли тадбирларни амалга ошириди. Улардан бири тумандаги «Чагониён» болалар спорт мажмусида ташкил этилган футбол мусобақасидир. Ўн ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган юзлаб болалар иштирокидаги мусобақа чинакам байрамона ўтди. Унда барча рақиб жамоаларни енгган «Хуфар» жамоаси голиб бўлди ва тақдирланди. Дарвоқе, ўйинларда фаоллик кўрсатган ҳаваскор футболчиларга ҳам совғалар улашилди.

Мусобақа баҳона туман кенгashi фаолияти билан ҳам қизиқдик. Бизга маълум қилишларича, туманда эллик етти мингдан зиёд «Камолот» аъзолари бор. Туман кенгashi қошида «Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази фаолият кўрсатади. Ундаги мавжуд учта тўгаракда юздан ортиқ ёшлар хунар ўрганипти.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбири

ЭНГ ЯХШИ САЙТЛАР САРАЛАНАДИ

Мамлакатимизда UZ миллий домени интернет-фестивалига старт берилди. Мазкур танлов анъанавий бўлиб, 2007 йилдан бўён ўтказиб келинмоқда. Унинг бош мақсади интернет тармоғида миллий контентни ривожлантириш, ўзбек тилидаги веб-ресурсларни кўпайтириш ва оммалаштиришга қаратилган.

Интернет-фестивалнинг бошланиши муносабати билан пойтахтимиздаги Алоқа тархи музеида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Журналистларга танлов ва уни ўтказиш жараёни ҳақида батафсил маълумот берилди.

Бу йилги танлов «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташабbuslari маркази ҳамда «UZINFOCOM» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва татбиқ этиш маркази билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда. Унда ўнта мавзули ҳамда иккита маҳсус номинация таъсис этилган. Асосий янгилик шундаки, бу гал «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органининг энг яхши сайти» номли номинация бўйича ишларни баҳолашда сайтларда интерфаол хизматларнинг мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, бу йил интернет-

фестиваль дастурига илк маротаба «Электрон тижорат» кўшимча номинацияси киритилди. У «Тармоқ сервслари соҳасинида энг яхши сайт» номинацияси таркибидан ўрин олган.

UZ миллий домени интернет-фестивалида қатнашиш жуда осон. Фестивалнинг расмий сайти — www.if.uzda рўйхатдан ўтган исталган фойдалануви чи ўз и га ёқкан сайти (у, албатта, UZ доменида кайд этилган бўлиши керак) танловда иштирок этиши учун тақдим этиши мумкин. Бундай имкониятга сайт эгалари ва фестиваль ҳайъати аъзолари ҳам эга. Танловга аризалар шу йил 10 сентябрга қадар қабул қилинади.

Интернет-фестивалга тақдим этилган сайтилар интерфаол хизматларнинг мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, бу йил интернет-

гиялари, маданият, санъат, давлат бошқаруви соҳаларида фаолият юритаётган малакали мутахассислар томонидан баҳоланади. Ҳар бир номинацияда утадан ўрин белгиланган. Голибларга диплом ва совфалар топширилади. Шунингдек, анъана-га мувофиқ, www.uz миллий қидирив тизими ҳам номинациялар доини.

2012 йил август ҳолатига кўра
UZ миллий доменида 15 мингта
сайт рўйхатдан ўтган бўлса,
ҳозирга келиб уларнинг сони
16733 тага етди.

расида ўз мукофотлари-ни таъсис этган.

Фестивалнинг якуний босқичи ва голибларни тақдирлаш маросими 23 сентябрда InfoCOM — ахборот технологиялари ҳафталигининг биринчи кунида ўтказилади.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» мухбири

Tashabbus



Маҳалланинг ҳунарманд қизи

Ангорнинг «Наврӯз» маҳалласида эшитган одам ишониб-ишонмайдиган, лекин ишонса-ишонмаса, бир тўхтаб олиб, «Яна бир қайтаринг, этчи, қизик гапга ўхшайди», деб оладиган бир гап юради. Эмишки, наврӯзлик чечалару кайвони момолар ўз хўжаларига ҳар-ҳар замон шундай талаб қўяр экан: «Менга отаси (ёки буваси), Зилолахоннинг тандиридан олиб берасиз!».

Айтишларича, бунга жавобан акаларимиз (ёки боболаримиз): «Нима, Зилоланинг тандиридан бошқа тандирга нон ёпиб бўлмайдими?» деб кулишар экан. Шунда чечаларимиз ҳам ҳеч бўш келишмас, «Зилолахоннинг тандири бир пишиқ бўлади-да, ўзининг ҳам зуваласи пишиқ, қилган

ишиям шундай, кўна қолиң!» дейишаркан-у, акаларимиз (ё боболаримиз) кулиб рози бўлишар экан.

Зилолахон Жумаева юриштуришидан Сурхондарёнинг бошқа қизларидан фарқ қилмайди. Ҳунарга чанқоқ, элита пардалар тикиш, ширинликлар пишириш, ошпазликни

иш, демайди, маникюр, педикюр деган ҳунарларниям эгалаган оддий қишлоқ қизи. Тандир ясаш эса унга момоларидан мерос.

— Ишимнинг айтиб ўтирадиган жойи ҳам йўқ ўзи, — дейди камтарлик билан Зилола. — Тандир ясашни ҳамма билади. Шу ҳаммага ўхшаб менам аввалига тандирбоп соз туроқ танлайман. Сўнг ундан лой корилади, дам бериб, тобига келгунча кутамиз. Уч-тўрт киши бўлиб уни яхшилаб тепиб, пишитамиз. Сўнг бўлак-бўлак қилиб, маҳсус қолипга солиб, текислаймиз. Уч-тўрт кунда қуриб, тайёр бўлади.

Ҳунарманд қиз шундай гапирадики, гўё ҳамма нарсанинг йўли осон экан-ку, бу ҳаётда қийин ишнинг ўзи йўқ экан-ку, деган алдамчи ўй оғушида қолишингиз ҳеч гап эмас. Озгина инсоф билан ўйлаганда, ўз ишининг устасига осон экани, бироқ ана шударажага етиш учун у қанчалар машақат чекканини англайсан, киши.

— Халқимизда яхши одат бор, — дейди Зилола. — Янги тандирда аввал патир ёпилади, кейин уни одамларга тарқатишади. Ўзимиз ясаган тандирда пишган патирни келтиришганда хурсанд бўлиб кетаман.

Ушбу ҳолатни биз ўзи ёзган янги шеърни одамлар ўқигандан шоирнинг қанчалар хурсандчилик тўйиши, чизган расмини мухлислари ҳайратланиб томоша қилаётганини кўрган мусаввирнинг кайфијатига менгзагимиз келди. Ахир, ҳунарманд ҳам бир ижодкор-да. У ҳам ўзининг меҳнатидан одамлар баҳраманд бўлишини истайди. Шундай яхши фикрлар қанотида ангорлик тандирсоз қиз билан янаги сафар кўришгунча, дея хайрлашдик.

**Наргиза
РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Сурхондарё вилояти**



Mahalla va yoshlar

Киши молу давлати ёки шуҳрати билан эмас, одамийлиги, фазилати билан хурмат топади.

Оталар сўзи — давлат

Маҳалла, деганда кўз олдимизга, аввали, нуроний отахонлару кайвони онахонлар келиши ҳам бежиз эмас. Улар маҳаллаларимизнинг юзи, инсонийлик тимсолларидир. Маҳалла аҳлининг турмуши, ёшларининг юриш-туриши, хатти-харакатларини баҳолашда биринчи галда ана шу оқсоқол боболару донишманд момоларнинг ўткир нигоҳлари, салмоқли фикрлари асосий мезон вазифасини бажаради. Сабаби оддий: уларнинг ҳаёт тутумлари неча-неча минг йиллардан бери яшаб, сайқалланиб келаётган миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган.

Тошкентнинг Юнусобод туманидаги «Оқтепа» маҳалласида ҳам шундай таомил шаклланган. Бу сўлим гўшада яшайдиган кишилар ўз фарзандларини гўзал қадриятлар асосида тарбиялашга ҳаракат қилишади. Бу жараёнда, шубҳасиз, маҳаллада ўтказиб турладиган маънавий-маърифий тадбирларнинг ҳам ўрни бор.

Яқинда ана шундай эзгу тадбирлардан бири — мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида «Уч авлод учрашуви» ўтказилди. Маҳаллада истиқомат қилувчи юзлаб ўртдошларимиз иштирок этган тадбирида ушбу маҳаллада қарийб икки асрдан бўён яшаб келаётган Миробидовлар сулоласи ҳақида алоҳида сўз юритилди. Бу авлодга хос бўлган асосий фазилатлар — ҳалоллик, поклик, инсонийлик, меҳнаткашлик, ўз касбига содиклик ва яқинларига бўлган меҳр-оқибатdir.

— Бугунги дориламон кунларга беадад шукр айтамиз, — дейди ушбу маҳаллада яшовчи ўртдошими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Собир Мирвалиев. — Негаки, биз эришган оламшумул натижалар, улкан ютуклар қаторида энг қимматлиси — қадриятларимизга ўзимиз соҳиб бўлдик. Муҳими, биз бугун ана шу қадриятларимизни фарзанду невараларимизгаям ўргатишмиз мумкин. Бу неъмат бизга истиқтол туфайли насиб этди.

Учрашувда ўшлар кексалардан ўзлари учун керакли маслаҳатлар олиши. Эзгулик сабоги уларнинг қалбига муҳрланди.

**Гулчехра КАРИМОВА,
«Нуроний» жамғармаси Марказий
кенгаши қошидаги ўшлар билан
ишлиш гурӯҳи аъзоси**



Yangi o'quv yili oldidan

KITOB
SAVDO'

Мактаб ярмаркалари

Ўзбекистон тумани ҳалқ таълими муассасалари фаролиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфида 66 та умумтаълим мактаби мавжуд. Уларда 28103 нафар ўғил-қиз таълим олади. Айни кунларда янги ўкув йили олдидан тумандаги барча қишлоқ ва маҳаллаларда ота-оналар ва ўкувчиларга кулагийлик яратиш мақсадида мактаб ярмаркалари ишлаб турибди. Мазкур ярмаркалarda 27 турдаги ўкув жиҳозлари, ўкувчиларнинг ўкув ва спорт формалари қўйилган.

— Иккита фарзандим мактабда ўқийди, — дейди туман-

даги 10-мактаб ўқитувчиси Гавҳарой Пайғамова. — Менга бу бозорчадаги нархларнинг арzonлиги, сотилаётган ўкув куролларининг сифатлилиги ва барча жиҳозларнинг белгиланган меъёрларга мос келиши маъкул бўлди.

Мактаб ярмаркалари доирасида барча ўқувчилар учун бир хил ўкув кийими арzon нархда сотилаётгани ҳам ҳаммага манзур бўляпти.

**Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири**

Йўловчининг узоғи яқин

**Йўловчиларнинг
оғирини ёнгил,
узғини яқин қилиш
ҳам савоб иш. Бу
борода транспорт
тизимида хизмат
қилаётган минг-
минглаб ўртдошлари-
миз меҳнатини
олқишилаш керак.**

Бухоро — Тошкент йўналишида ҳаракатланувчи «Шарқ» тезюар поездидан ҳам ана шундай фидойи кишилар меҳнат қиласи.

Кимнингдир кўнглини

олиш, хурсандчилик улашиш ҳам савоб иш, дейишиди. Дарҳақиқат, шундай.

— Йўловчилар кўнглига қараш, уларнинг истак-хихиларига кўра хизмат килиш бизнинг бурчимиз, — дейди йўналиш масъулларидан бири Умиджон Эгамбердиев. — Бугун мамлакатимиз транспорт тизими, хусусан, темир йўл соҳасига катта эътибор қаратилаяпти. Йўловчиларга янада қулагийлик яратиш, уларни манзилларига тез ва хуш кайфиятда етишлари учун қатор

чора-тадбирлар, ишлар амалга оширилди. Хизмат кўрсатиш янада таомиллаштирилмоқда. Масалан, кўп поездларда бўлгани каби бизнинг поездимизда ҳам буфет, ресторон, дорихона сингари доимий керак бўладиган хизматлардан ташқари, кўчма кутубхона ҳам фаолият кўрсатади. Яъни мақсадимиз йўловчиларнинг нафақат моддий, балки маънавий эҳтиёжларини ҳам қондиришдир.

Эътиборимизни тортгани — мазкур поездда хизмат қилувчиларнинг акса-

рияти ўшлар экан. Яъни уларнинг ўртача ёши йигирма еттида. Шундай навқирон ўшда хизмат қилаётган ҳамюртларимиз орасида Дилшод Норбеков, Нодир Юсупов, Алишер Раҳмонов, Мухбириали Нуралиев каби йигитлар бор.

— Мен ўз касбимни яхши кўраман, одамларга хизмат қилсан, хурсанд бўламан, — дейди вагон кузатувчиси Дилшод Норбеков.

Поезд хизматчилари ning барчаси қалбида шу гап.

Ўткір ПЎЛАТ

Софиниб кумилган севги қиссаси

Бу роман миллионлаб китобхонларнинг талаб-истаги билан битилган

Адабиётшунос олим Аҳмад Отабойнинг китобга ёзган «Севги достони» сарлавҳали сўзбошисида айтилишича, мухлислари америкалик машҳур адабиа Маргарет Манерлин Митчелдан «Шамолларда қолган ҳисларим» романининг давомини ёзишни сўрашади. Бироқ ёзувчи бу таклифни рад этади. Бу ўтган асрнинг 37 — 49-йилларидағи гап.

Мутаассир ўкувчилар бир томондан ҳассос қаҳрамонларининг кейинги тақдирига қизиқар, айниқса, китобхон аёллар, ўзларининг нозик табиатларига кўра, оташин севги достони чиройлироқ якун топишини исташарди. Аммо роман ёзилишига туртки бўлган бошқа жиддийроқ сабаб ҳам йўқ эмасди — оддий ўкувчиларгина эмас, синчи адабиётшунослар назарида ҳам «Шамолларда қолган ҳисларим» романни мантиқан бадиий якунига етмагандек туолар, унинг давоми бўлиши керак, деган қатъий тұхтамга келинган эди. Маргарет хонимнинг вафотидан (1949 йил) сўнг ҳам анча йиллар давомида китобхонлар севимли қаҳрамонлари соғини билан яшадилар. Ёзувчининг ворислари «Шамолларда қолган ҳисларим»нинг мантиқий давомини ёзиш хукуқини кўплаб ижодкорлар орасидан америкалик яна

бир ёзувчи — Александра Риплейга берадилар.

Бугун ўзбек ўкувчиларига Роҳила Ахтамова таржимасида тақдим этилган «Скарлетт» романи ана шу ишонч ва умид ҳосиласи бўлиб дунё юзини кўрган.

Асар салкам олти юз тўқсон бетдан иборат. Гап шундаки, бундай ҳажмдаги китобни таржима қилиш у ёқда турсин, уни ният қилиш, ишга киришиш учун ҳам етарли журъат керак. Камтарин ижодкор, кўп йиллар ўкувчиларга рус тили ва адабиётидан сабоқ берган устоз-муаллим Роҳила Ахтамова шундай масъулиятли ишга киришиб, уни матонат билан якунига етказди.

Таникли мутаржим ва олимларимиздан бири, таржимонлар икки ҳил бўлади, деган эди. Биринчиси, факат ўзлари яхши кўрган ёзувчиларнинг асарларини таржима қилишади. Бошқа адиллар асарларига деярли му-

рожаат қилишмайди. Иккинчи хил таржимонлар факат ўзлари севган асарларни она тилига ўтиради.

Роҳила Ахтамова «Скарлетт»ни кўнгил майли билан таржима қилган. Китоб аввалида таржимон «Аёл қалби ва шуурида юз бераётган эврилишлар, товланишлар ва түфёнлар зўр маҳорат билан тасвирланган бу асарни минг истиҳола билан, яхши ниятда ўзбек тилига таржима қилишни ихтиёр этдик», деб ёзаркан, беихтиёр кўнгилдан, аслида ҳам шундай бўймоги керак эди, деган ўй ўтади. Ахир, аёл тақдири, ҳис-туйғулари, мұхаббати каламга олинган асарни аёлдан бошқа ким ҳам тушуниб, илғаб, ҳис этиб таржима қилиши мумкин эди?..

Китоб «Файласуфлар» нашриётида чоп этилган.

Элмурод НИШОНОВ



иштирок этишлари ҳам мумкин. Бунда уларнинг фаоллиги ва ўқишидаги ютуқлари инобатга олинган ҳолда грант кейинги ўкув йилига узайтирилади.

Эслатиб ўтиш керак, 2005 йилдан бўён «Таълим грантлари дастури»да 662 нафар талаба ғолиб бўлган. Улардан 400 нафари тақороран грант олишга мувваффақ бўлган.

Бу йил «Таълим грантлари дастури»да иштирок этиш учун хужжатлар 15 августдан 5 сентябргача қабул қилинади.

Грантни тақрор олиш мумкинми?

«Меҳр нури» ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармалари томонидан ҳар ўшили абитуриентлар учун «Таълим грантлари дастури» ёълон қилинади. Бу лойиҳада қатнашиш шартлари қандай, таълим грантини тақроран олиш мумкинми?

Саида Мавлонова, Қўқон шаҳри

«Таълим грантлари дастури» лойиҳаси 2005 йилдан бўён амалга оширилмоқда. Унда фақат юритимиз олий таълим муассасаларининг бакалавриат босқичига тўлов-шартнома асосида ўқишига кирган талabalар қатнашишлари мумкин.

Номзодларни саралашда уларнинг ўқишидаги мувваффакиятлари, интиљиги ва ташабbusкорлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги, мамлакат ривожига ҳисса қўшишга интилиши эътиборга олинади.

Танловдан мувваффакиятли ўтган номзодларга бир йиллик шартнома пулени тўлаш учун грант ажратилади. Грант олган талabalар лойиҳада тақрор



ҚАНДАЙ ЯХШИ

Қандай яхши сизни ўйламоқ, Борлигиниз мен учун баҳтдор. Исмингизни дилга жойламоқ, Васлингизни куйламоқ шартдор.

Қандай гўзлаларни сизни соғинмоқ, Ҳижронингиз ширин дардор. Кўзингизга тўйиб термилмоқ, Дилимдаги энг буюк аҳддор.

Қандай файзли сизла кўришмоқ, Орзуларим парвозга таҳтдор. Иккимизга қуёшдек порлоқ, Ҳаёт насиб айласин тақдир!

Маҳфузा ИМОМОВА



Яхшиям яхшилик билан тугади!

Янги Зеландия полицияси уйқусираб машина бошқарган аёлни нақ 300 километр юрганидан кейингина тўхтатишига ҳаракат қилди.

Исми ошкор этилмаётган бу аёл Мант-Маунганди шахридан чиққанда, ҳамкасбига иш бўйича sms-хабар жўнатади. Унда сўзлар ноўрин қўлланилаётгани туфайли аёл дугонасининг ухлаб қолганини дарров сезади ва полицияга хабар беради. Полиция аёлнинг машинасини уяли телефони орқали топди. Аёл эса уйига аллақачон етиб олган эди. Уни жаримага тортдилар.

Тинчлик – бебаҳо неъмат

Мисрда содир бўлаётган тартибизизиклар натижасида қурбонлар сони 638 тага етди.

Ҳалок бўлганларнинг 43 нафари полициячилар, қолганлари эса аҳоли вакиллари. Айни вақтда қурбонларнинг аксарияти қоҳиралиқ экани маълум бўлди. Шунингдек, жароҳат олганлар сони тўрт мингга етган. Намойишчилар қуролли каршилик кўрсатгани боис, полиция ҳам қуролни ишга солишга мажбур бўлган. Мисрда айни пайтда фавқулода ҳолат эълон қилинган.

Пулнинг ҳам чиройлиси бўларкан

Швейцарияда Халқаро молия банкининг эстетика бўйича комиссияси Украина гривнасини энг чиройли банкнота, деба баҳолади.

Гривна иккинчи маротаба ушбу эътироға лойиқ топилди. 2008 йилда ҳам Халқаро молия банки Украина гривнасида энг чиройли купюра мақомини берган эди. Тарихий украини гривнасидан кейин Австралия доллари, евро, Болгария леви ва АҚШ доллари рўйхатдан ўрин эгаллади.

Гривна қадимги Русь давлатининг асосий пул бирлиги бўлган. 1918 йил Украинада биринчи марта гривна муоммалаға киритилган. Унинг эскизини расомн Великий Лопат чизган эди.

Ким айбдор?

Канадада эндигина тўрт ёшга кирган Ноӣ Барт ва акаси Коннор Барт ўтоқларининг уйида тўрт метрдан узунроқ Африка бўғма илони қурбони бўлди.

Маълум бўлшича, уй эгасининг биринчи қаватда жойлашган, сурдалиб юрувчилар сотиладиган дўконидан илон чиқиб кетиб, вентиляция туйнуғи орқали иккинчи қаватга — болалар ухлаб ётган хонага кўтарилиган. Уй эгаси эса ўн йилдан бўён илон боқса-да, бундай ҳолат кузатилмаганини айтиб, кечирим сўради. Бироқ фурсат ўтгач, уздан не наф?!

**Интернет манбалари асосида
Лайло ТЎРАЕВА тайёрлади**

ВАТАН

Неча төглар турибди тикка,
Марданавор, мағрут ва бардам.
Бошига көр тушса кўнинкан,
Елкасини офтоб урса ҳам.

Неча боғлар очмоқда чирой,
Майсаларга бурканар довон.
Харсангларга урнса-да сой,
Этар эзгу йўлларда давом.

Мен-чи, битта сўзни лоқал,
Тополмадим дил лугатидан.
Хижолатман бошимда турган
Одамларнинг муҳаббатидан.

Ишон, энди ташладим қадам,
Ҳаётимда бордир кўп маъни.
Ҳеч бўлмаса, шамол бўларман,
Байроғинги ҳимтиратгани!...

* * *

Бир наво истадим ҳуржаранг,
Бир нафас ўзимдан ортгани.
Оппоқ туши кўрсайдим сурмаранг,
Тунларда кўзимга тортгани.

Умидлар боғланса, хўй узун —
Кўнха асрларнинг шажарасидай.
Минг йиллик ғамларни унумтоқ учун,
Бир удум бўлсайди, бажарадиган.

Бир йўллар юрсайдим, ўзимга
Ортимда қолдириб аниқ-равон из.
Сурмаса сурмабди тунни кўзига
Ҳали тонгларини англамаган қиз...

* * *

Настарингул...
Тўқилсанг, тўқил,
Нима қилдим сени авайлаб?
Нигоҳинга илинганди дил,
Қара, шамол келар атайлаб.

Настарингул...
Тўқилсанг, тўқил,
Япроқларинг қолсин ўзгариб.
Фақат сени согинганим бил,
Сўймаганим билгин ўзгани...

Настарингул...

Тўқилсанг, тўқил,
Очилмоқса сўз бер, кун ўтиб.
Яна қайта дунёга келгил,
Баҳорни-да, мени унумти...

ИШҚТИЛАГИ

Узоқ төглар ошиб келинг ёнимга,
Югурб чиқаман қаршингизга мен.
Озор бермане энди ширин жонимга,
Озорсиз кунларга қайтайин секин.

Баҳор гулларини олиб келинг сиз,
Ташна гулдонларга солиб қўяйин.
Кўзимга сигмаган кўз ёшлиаримни,
Шодон кунларимга олиб қўяйин.

Холимга кулмасин токи ғанимлар,
Дунёлар шодланиб кулсин баҳтимдан.
Сочларин қирқ ўриб юрган санамлар,
Афсона тўқисин муҳаббатидан.

